

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан
РЎЙХАТГА ОЛИНГАН
№ 44 “ 4 ” август 2014 й.



Марказий банк
Раисининг биринчи ўринбосари
У.М. Мустафоев

“ИПОТЕКА-БАНК”
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ИПОТЕКА БАНКИ
УСТАВИ
(янги тахрир)

2014 йил 30 майда ўтказилган
“Ипотека-банк” АТИБ
акциядорларининг навбатдаги
умумий йиғилишида
ТАСДИҚЛАНГАН

(2014 йил 6 июнда тузилган
19-сонли баён)

“Ипотека-банк” АТИБ
Кузатув кенгаши Раиси

Б.А. Хўжаев



I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. “Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банки (матн давомида “Банк” деб номланади), кредит ташкилоти бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 февралдаги “Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-10-сонли қарорига мувофиқ, давлат акциядорлик уй-жой жамғарма банки “Ўзуйжойжамғармабанк” ҳамда “Замин” давлат акциядорлик ипотека банки акциядорларининг 2005 йил 16 апрелдаги қўшма умумий йиғилиши қарорига асосан ташкил этилган.

1.2. “Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банки, “Ўзуйжойжамғармабанк” давлат акциядорлик уй-жой жамғарма банки ҳамда “Замин” давлат акциядорлик ипотека банки негизида ташкил этилган бўлиб, уларнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича шу жумладан, мулкӣ, молиявий ва бошқа мажбуриятлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари сақланиши ҳамда ўз вақтида қайтарилишини кафолатлаш бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

1.3. Банкнинг асосий вазифалари қуйидагилар:

юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш;

тўловларни амалга ошириш;

якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун имтиёзли узоқ муддатли ипотека кредити бериш тизимини жорий этиш;

якка тартибда уй-жой қурувчиларга ва аҳоли учун турар жойлар барпо этадиган хўжалик юритувчи субъектларга кредит олишда қўмаклашиш;

уй-жой қурилиши учун ипотека кредити беришни ривожлантиришга хорижий инвестициялар, жумладан кредитларни, шунингдек халқаро ва маҳаллий молия институтлари инвестиция ҳамда грантларини жалб этиш;

республика минтақаларида Банкнинг ихтисослаштирилган хизматларидан аҳолининг кенг фойдаланишини таъминлайдиган филиаллар шохобчасини ривожлантириш;

замонавий, тежамли, бозорда талаб юқори бўлган қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни кредит билан таъминлаш.

1.4. Банк Ўзбекистон Республикасининг банк тизимида киради ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари, шунингдек мазкур Уставга амал қилади.

1.5. Банкнинг тўлиқ номланиши:

Давлат тилида: **“Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банки**

Давлат тилида Банкнинг қисқартирилган номланиши: **“Ипотека-банк” АТИБ**

Лотин графикасига асосланган ўзбек алифбосида: **“Ipoteka-bank” aksiyadorlik tijorat ipoteka banki**

Лотин графикасига асосланган ўзбек алифбосида Банкнинг қисқартирилган номланиши: **“Ipoteka-bank” АТИБ**

Рус тилида: **Акционерный коммерческий ипотечный банк “Ипотека-банк”**

Рус тилида Банкнинг қисқартирилган номланиши: **АКИБ “Ипотека-банк”**

Инглиз тилида: **Joint-stock commercial mortgage bank “Ipoteka-bank”**

Инглиз тилида Банкнинг қисқартирилган номланиши: **JSCMB “Ipoteka-bank”**

Банкнинг электрон почта манзили: info@ipotekabank.uz

Банкнинг расмий веб-сайти: www.ipotekabank.uz

II. БАНКНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ, ЖОЙЛАШГАН ЖОЙИ (ПОЧТА МАНЗИЛИ)

2.1. Банк Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан юридик шахс ҳисобланади, ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинadиган алоҳида мол-мулкига эга, ўз номидан

мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.2. Банк ўзининг фирма номидан фойдаланишда мутлақ ҳуқуққа эга. Банк ўзининг давлат тилида тўлиқ ёзилган фирма номи ва тимсоли тасвирланган юмалоқ муҳрига (муҳрда қўшимча равишда фирма номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин), ўз номи ёзилган штампи ва бланкаларига, ўз тимсолига эга, шунингдек бошқа ўз белги-аломатларига эга бўлишга ҳақлидир.

2.3. Банк ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади. Акциядорлар Банкнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

2.4. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар Банкнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

2.5. Банк ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.6. Банк акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин. Банк корхоналар, ташкилотлар ва бошқа тижорат тузилмаларини ташкил этишда ва уларнинг хўжалик фаолиятида ўз маблағлари билан, шу жумладан улуш қўшиш асосида қатнашиш ҳуқуқига эга.

2.7. Банк ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, ўз манфаатларини ифода этиш ва химоя қилиш ҳамда биргаликдаги дастурларни амалга ошириш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларда қатнашиши мумкин.

2.8. Банк банк операцияларини амалга оширишга доир қарорлар қабул қилишда мустақилдир.

2.9. Банк фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади ва ўз фаолиятини Марказий банк томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширади.

2.10. Банкнинг жойлашган жойи (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 17-уй.

III. БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИ

3.1. Банк ўз фаолиятини тижорат асосида амалга оширади ва Банкнинг фаолият мақсади фойда олишдир.

3.2. Банк операцияларни бажариш ва пул маблағларини сақлаш учун Марказий банк муассасаларида вакиллик ҳисобварақларига эга. Банк бошқа банкларда вакиллик ҳисобварақларини очиши мумкин.

3.3. Банк ўз фаолиятида қуйидаги банк операцияларини амалга оширади:

- жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан вакил банкларнинг ҳисобварақларини очиш ва юритиш, ҳисоб варақлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш ва касса хизматларини кўрсатиш;

- омонатларни жалб этиш;

- кредитларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан ўз номидан кредитлар бериш;

- маблағ эгаси ёки маблағни тасарруф этувчи билан тузилган шартномага биноан пул маблағларини бошқариш;

- чет эл валютасини нақд пул ва нақд бўлмаган пул шаклларида юридик ҳамда жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш;

- пул маблағлари, векселлар, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини инкассо қилиш;

- учинчи шахслар номидан мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш;

- учинчи шахслардан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш;

- қимматли қоғозлар чиқариш, харид қилиш, сотиш, ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, миқдор билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, қимматли қоғозлар билан бошқа операцияларни бажариш;

- Банк фаолияти юзасидан маслаҳат ва ахборот хизматини кўрсатиш;

- жисмоний ва юридик шахсларга ҳужжатлар ва бошқа бойликларни сақлаш учун махсус бинолар ёки бинолар ичидаги пўлат сандиқларни ижарага бериш;

- халқаро банк амалиётида қабул қилинган экспорт-импорт ва бошқа операциялар бўйича миқдорларнинг тўловларини амалга ошириш;

- электрон пластик карточкаларни жорий қилиш ва миқдорларга электрон банк хизматларини кўрсатиш;

- молиявий лизинг хизматлари;

- молиялаштириш ва кредитлар бериш бўйича чет эл инвестицияларини ва грантларни жалб қилиш;

- халқаро банк амалиётига мувофиқ, лицензияда махсус кўрсатилган бошқа операцияларни бажариш.

3.4. Банк қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни қонунчиликда белгилаб қўйилган тартибда амалга ошириш ҳуқуқига эга.

3.5. Банк бевосита ишлаб чиқариш, савдо ва суғурта фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмаслар, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

3.6. Банк юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини жалб қилади ва уларни депозит ҳисобварақларида (талаб қилиб олинганча, жамғарма, муддатли ва бошқа турдаги депозит ҳисобварақаларда) ва бошқа мажбуриятли ҳисобварақаларда сақлайди.

3.7. Банкнинг миқдорлар ва бошқа контрагентлар билан ўзаро муносабатлари шартнома асосида тартибга солинади.

3.8. Чет эл валютасидаги операциялар Марказий банк томонидан берилган Бош лицензия ва Марказий банк томонидан белгиланган қоидалар асосида амалга оширилади.

IV. БАНКНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Банкнинг ҳуқуқлари:

- мустақил равишда, омонатчилар ва қарз олувчилар билан келишув бўйича депозитлар ва бериладиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини белгилаш;

- бошқа банклардан маблағларни депозит ёки кредит кўринишида жалб этиш ва бошқа банкларда маблағларни депозит ёки кредит кўринишида жойлаштириш;

- актив ва пассив операцияларни ўтказиш учун фоиз ставкаларини ҳамда банк операциялари бўйича воситачилик ҳақи миқдорини мустақил белгилаш;

- ҳисоб-китобларни ташкил этилган ҳисоб-китоб марказлари ва вакиллик ҳисобварақлари орқали амалга ошириш;

- ўз молиявий хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган, лицензия ва уставда назарда тутилган қонунчиликда тақиқланмаган бошқа ҳаракатлар ва операцияларни қонунчилик доирасида амалга ошириш;

- кредитланаётган корхона ва ташкилотлардан уларнинг тўлов қобилиятини, ҳамда берилган кредитнинг таъминланганлигини тасдиқловчи ҳисоботлар, баланслар ва ҳужжатлар олиш;

- кредит таъминоти бўйича гаров, кафолат, кафиллик ва мажбуриятларнинг етарлилигини ҳисобга олувчи ички норматив тартибни ўрнатиш;

- Банк хизмат кўрсатадиган ташкилотлардан молиявий хўжалик фаолияти ҳақида ишончли маълумотлар олиш;

- қонунчиликда белгиланган тартибда шўъба ва тобе жамиятларини ташкил қилиш, шўъба ва тобе жамиятларга инвестициялар киритиш;

- корхоналар, ташкилотлар ва бошқа тижорат бўлинмаларни ташкил этиш ва улар хўжалик фаолиятида ўзининг маблағлари билан холдинг, шунингдек улуш асосида иштирок этиш;

- амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган битимларни ўз номидан амалга ошириш, мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларни олиш, судларда даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок этиш;

- кредитланаётган объектларни қуриш, кенгайтириш, қайта таъмирлаш, техник қуроллантириш бўйича лойиха қарорларининг экспертизадан ўтказилишини талаб қилиш;

- кредит шартномасида назарда тутилган мажбуриятлар бузилганда, кредитнинг берилишини тўхтатиш ва берилган кредитларни муддатидан олдин ундириш;

- корхона ва ташкилотларнинг тўлов қобилияти йўқлигини эълон қилиш ҳақида суд органларига амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда мурожаат қилиш;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг маблағларини махсус уй-жой-ссуда-жамғарма ҳисобварақларида жамғариш ҳамда уларни муомалага киритиш борасидаги ишларни ташкил қилиш;

- уй-жойларни барпо этишга оид лойиха-қидирув ва қурилиш-монтаж ишларини ўтказишга маблағ сарфлаш;

- барча солиқлар ва мажбурий тўловлар тўлангандан кейин Банк ихтиёрида қолган соф фойда ҳисобидан заҳиралар ва фондлар ташкил этиш;

- банк операцияларини амалга оширишга доир қарорларни мустақил қабул қилиш;

- хомийлик ва хайрия фаолиятини амалга ошириш;

- амалдаги қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга.

4.2. Банкнинг мажбуриятлари:

- Марказий банкда маблағлар захирасини яратиш ҳамда Банкнинг барқарорлигини таъминлаш ва кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Марказий банк томонидан белгиланган иқтисодий нормативларга риоя этиш;

- Марказий банкнинг топшириғига кўра, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг касса ижросига доир операцияларни бажариш;

- ўз фаолиятига доир ҳисобот ва бошқа ахборотни Марказий банкка ўз вақтида тақдим этиш;

- бериладиган кредитларни таъминлаш бўйича гаров, кафолат, кафиллик ва мажбуриятларнинг етарлилигини ҳисобга олувчи ички норматив тартибни ўрнатиш;

- Марказий банк томонидан белгиланган тартиб ва миқдорларда банк кредит портфели (ёки активлари) ва балансдан ташқари мажбуриятларда юзага келиши мумкин бўлган ёки мавжуд зарарларни қоплаш учун қиймат суммасини ўзида акс эттирадиган банкнинг барча кредитлари (ёки бошқа актив ҳисобварақлари) бўйича зарарларни қоплаш учун заҳираларни ташкил этиш;

- ўз мижозлари ва вакилларининг операциялари, ҳисобварақлари ҳамда жамғармаларига доир маълумотларни, шунингдек банк сирини ташкил этувчи бошқа маълумотларни сир сақлаш;

- амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ўз фаолияти ҳақидаги ахборотларни матбуотда эълон қилиш;

- банкда ички аудит ва ички назорат хизматини ташкил қилиш;

- банк операциясига доир ҳужжатларни Марказий банк белгилаган тартибда ва муддатда ўз архивида сақлаш.

Шунингдек, Банк:

- амалга оширилган инвестицияларнинг турлари ёки шакллариغا;

- кўчмас мулк ва бошқа мол-мулк сотиб олиш ҳамда унга эгалик қилишга;

- бошқа юридик шахсларнинг устав фондларида қатнашишга доир шартларга риоя этиши лозим.

4.3. Банк Марказий банкнинг банкка алоқадор шахслар билан битимлар тузиш бўйича нормативларига риоя этиши шарт. Шунингдек, банк ўзига алоқадор бўлган шахслар билан ёки улар номидан тузадиган шартномаларни ўзига алоқадор бўлмаган шахслар билан тузадиган шартномаларга қараганда анча қулай шартларга асосланган ҳолда тузиши мумкин эмас.

4.4. Мижозларнинг Банкдаги ҳисобварақларида, омонатларида турган ёки сақлаш учун қўйилган пул маблағлари ҳамда бошқа қимматликлари фақат қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда хатланиши ёки уларга ундирув қаратилиши мумкин.

4.5. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар судга, суд ижросига, прокуратура, тергов ва суриштирув, давлат солиқ хизмати органларига, шунингдек қонунчиликда кўзда тутилган бошқа шахсларга қатъий равишда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этилади.

4.6. Мижозлар шубҳали ва гумонли операцияларни амалга оширган тақдирда, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборот жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш чораларини амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этилади.

V. БАНК УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ, УНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ ВА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН АКЦИЯЛАР

5.1. Банкнинг устав капитали 181'528'649'280 (бир юз саксон бир миллиард беш юз йигирма саккиз миллион олти юз қирқ тўққиз минг икки юз саксон) сўмни ташкил этиб, у 64'326'240 (олтмиш тўрт миллион уч юз йигирма олти минг икки юз қирқ) дона акцияга қуйидагича бўлинган:

ҳужжатсиз шаклдаги эгасининг номи ёзилган оддий акциялар - 62'326'240 (олтмиш икки миллион уч юз йигирма олти минг икки юз қирқ) дона;

ҳужжатсиз шаклдаги эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар - 2'000'000 (икки миллион) дона.

5.2. Банк устав капиталини кўпайтириш мақсадида кўшимча чиқариши мумкин бўлган (эълон қилинган) акциялар 55'673'760 (эллик беш миллион олти юз етмиш уч минг етти юз олтмиш) дона ҳужжатсиз шаклдаги эгасининг номи ёзилган оддий акцияларни ташкил этади.

5.3. Банк акцияларини олиш учун қуйидаги шахслар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг олдиндан рухсатини олишлари шарт:

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари;

эллик фоиздан ортиқ акциялари (иштирокчилар бадаллари) Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг эгалигида, фойдаланувида ва (ёки) тасарруфида бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари – юридик шахслари.

Банк акцияларини ушбу банднинг биринчи қисмида кўрсатилган олувчиларнинг маблағларини тасарруф этувчилари (ишончли вакиллари) бўлиб ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси резидентлари, шунингдек олувчилар учун банк акцияларини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг олдиндан рухсатини олишлари шарт.

5.4. Юридик ёки жисмоний шахс ёхуд ўзаро келишув билан боғланган ёки бир-бирининг мол-мулкани назорат қилувчи юридик ва жисмоний шахслар гуруҳи томонидан бир ёки бир неча битим натижасида банк акцияларининг 5 фоиздан ортиғини олиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хабардор қилинишини, 20 фоиздан ортиғини олиш эса, олдиндан унинг розилигини олишни талаб қилади.

5.5. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ қонунчиликда белгиланган тартибда банк жойлаштирилган акцияларни йириклаштириш ва/ёки майдалашга ҳақлидир.

5.6. Банкнинг устав капитали акциядорлар олган Банк акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади ҳамда фақат акциядорларнинг Банк акциялари учун тўлаган пул маблағларидан ташкил топади.

Банкнинг устав капиталини кўпайтириш тартиби

5.7. Банкнинг устав капитали акциялар номинал қийматини ошириш ёки кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

5.8. Банкнинг устав капиталини акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни чиқариш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарор Банкнинг кенгаши томонидан қабул қилинади. Банк уставига банк устав капиталини акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли орқали кўпайтириш билан боғлиқ тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги қарор қонунчиликда белгиланган тартибда Банкнинг кенгаши томонидан қабул қилинади.

5.9. Қўшимча акциялар Банк томонидан Банк уставига белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилиши мумкин.

5.10. Қўшимча акцияларни жойлаштириш орқали устав капиталини кўпайтириш ҳақидаги қарорда жойлаштирилаётган қўшимча акциялар миқдори, муддати ва жойлаштириш шартлари белгиланган бўлиши зарур.

5.11. Банкнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда Банк уставига кўрсатилган эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.

5.12. Банкнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, банкнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

5.13. Банкнинг устав капиталини унинг ўз капитали ҳисобидан қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтиришда бу акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айтилган турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Банкнинг устав капитали кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, банкнинг устав капиталини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

5.14. Банк акциялари очиқ ва/ёки ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади.

5.15. Акцияларнинг очиқ обунаси фақат қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида ўтказилади.

5.16. Акциялар ҳамда бошқа эмиссиявий қимматли қоғозлар қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида жойлаштирилган тақдирда уларнинг чиқарилиши, агар жойлаштириш ҳажми мазкур чиқарилишдаги акциялар ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозлар умумий миқдорининг камида 30 фоизини ташкил этса, амалга ошган деб эътироф этилади.

Банкнинг устав капиталини камайтириш тартиби

5.17. Банкнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Банк томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

5.18. Агар устав капитали камайтирилиши натижасида унинг миқдори Банк уставига тегишли ўзгаришларни қайд қилиш санасида аниқланмайдиган, Марказий банк томонидан белгиланган устав капиталининг энг кам миқдоридан камайиб кетса, Банк устав капитали миқдорини камайтиришга ҳақли эмас.

5.19. Банк олдиндан Марказий банкнинг розилигини олмай туриб, ўз акцияларини сотиб олишга ҳақли эмас.

5.20. Устав капиталини камайтириш ва Банк уставига тегишли ўзгаришлар киритиш ҳақидаги қарор Банк акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

5.21. Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капиталини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

5.22. Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади. Кредиторлар Банкнинг устав капиталини камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Банкдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав капитали камайтирилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.

VI. БАНК АКЦИЯЛАРИ ТУРЛАРИ, УЛАРНИНГ НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ

6.1. Банкнинг акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий ва имтиёзли акциялардир. Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси – Банк акциядори деб эътироф этилади.

6.2. Банкнинг оддий акциялари овоз берувчи бўлиб, уларнинг эгасига дивидендлар олиш, акциядорларнинг умумий йиғилишларида ва Банкни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

6.3. Акция эгаларига дивидендларни, шунингдек Банк тугатилганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар имтиёзли акциялардир. Имтиёзли акциялар ўз эгаларига Банк фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъий назар, муайян дивидендлар олиш ҳуқуқини беради. Имтиёзли акциялар бўйича тугатиш қиймати тугатиш комиссияси қарорида кўрсатилади. Агарда ушбу қиймат тугатиш комиссияси қарорида кўрсатилмаган бўлса, имтиёзли акцияларнинг номинал қийматига тенг бўлади.

6.4. Банк оддий акцияларни жойлаштириши шарт, шунингдек бир ёки бир неча турдаги имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақли. Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати Банк устав капиталининг йигирма фоизидан ошмаслиги лозим.

6.5. Банкнинг барча жойлаштирилган ва қўшимча чиқариши мумкин бўлган (эълон қилинган) акциялар номинал қиймати – 2'822 (икки минг саккиз юз йигирма икки) сўм.

VII. БАНК АКЦИЯЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

7.1. Банк оддий ва имтиёзли акцияларни чиқариш ва уларни жойлаштиришга ҳақлидир.

7.2. Банкнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириши қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

7.3. Банк акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очиқ ва ёпиқ обуна воситасида жойлаштиришга ҳақли.

7.4. Банкнинг қимматли қоғозлари очиқ обуна йўли билан жойлаштирилган тақдирда бир инвесторнинг (инвесторларнинг) бошқаси (бошқалари) олдидаги устунлигини белгилаш тақиқланади, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

а) Банк акциядорларига қўшимча чиқарилган акцияларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда имтиёзли олиш ҳуқуқи тақдим этилганида;

б) Банк томонидан норезидентларга нисбатан қимматли қоғозларни олишга чекловлар қўйилганида;

в) Банк томонидан облигацияларни шахслар (жисмоний ёки юридик шахслар) доирасини белгилаш орқали олишга чекловлар қўйилганида.

7.5. Банк томонидан акцияларни жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

7.6. Банкнинг акциялари ҳужжатсиз (нақдсиз) шаклида чиқарилади.

7.7. Банк қонун ҳужжатларига мувофиқ облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ва жойлаштиришга ҳақли.

7.8. Банкнинг акцияларига ҳақ тўлаш фақат пул маблағлари билан амалга оширилади.

7.9. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа

бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи Банк акциядорларининг умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши томонидан, агар Банк уставига ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ кузатув кенгашига бундай ваколат берилган бўлса, қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

7.10. Банкнинг қўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланганидан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади.

7.11. Банк акциядорларининг сони чегараланмаган.

7.12. Банкнинг муомалага чиқарилган акциялари ушбу акцияларни чиқариш тўғрисида банк бошқарув органи (акциядорлар умумий йиғилиши ва/ёки Кузатув кенгаши) томонидан қабул қилинган қарор, акцияларни чиқарилуви тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласида белгиланган тартиб ва шартларда, қонунчилик доирасида жойлаштирилади. Акцияларни жойлаштиришда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш кўзда тутилмайди.

VIII. БАНК АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1. Банк акциядорларининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

- Банкнинг акциядорлари реестрига киритилиш;
- ўзи ҳақида депозитарийдаги депо ҳисобварағидан кўчирма олиш;
- Банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Банк тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Банкни бошқаришда иштирок этиш;
- Банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;
- амалдаги қонунчиликка мувофиқ ўз акцияларини бошқа акциядорларга, ёки учинчи шахсларга сотиш;
- акциядорлар қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8.2. Бир турдаги акция унга эгаллик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

8.3. Банкнинг имтиёзли акциялари уларнинг эгалари бўлмиш акциядорларга бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беради ва оддий акциялар билан бир хил номинал қийматга эга бўлади.

8.4. Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар қонун ҳужжатларга ва ушбу Уставга мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, Банк тугатилган тақдирда эса, ўзларига тегишли улушга мувофиқ Банк мол-мулкнинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

8.5. Акциянинг ҳақи тўлиқ тўлангунга ва унинг янги эгаси акциядорлар реестрида рўйхатга олингунга қадар акция овоз ҳуқуқини бермайди.

8.6. Банкнинг имтиёзли акцияси акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқини бермайди, амалдаги қонунчиликда ва ушбу Уставда кўзда тутилган айрим масалаларни ҳал этиш бундан муснасно. Имтиёзли акциялар унинг эгасига Банк тугатилган

тақдирда имтиёзли акция учун белгиланган тугатиш қиймати маблағини оддий акция эгаларидан олдин олиш ҳуқуқини беради.

8.7. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида Банкни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги масалалар ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этади. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида Банк уставига имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар, шу жумладан аввалги навбатдаги имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг миқдорини белгилаш ёки кўпайтириш ва (ёки) тугатилиш қийматини белгилаш ёки кўпайтириш масалалари, шунингдек имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларга дивиденд ва (ёки) бу акцияларнинг тугатилиш қийматини тўлаш навбати бўйича имтиёзлар бериш ҳоллари ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқини олади.

8.8. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига кирадиган масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки дивидендларни тўлиқ тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан кейинги йиғилишдан бошлаб эга бўлади. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи мазкур акциялар бўйича дивидендлар биринчи марта тўлиқ миқдорда тўланган пайтдан эътиборан бекор қилинади.

8.9. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

8.10. Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларни олувчига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

8.11. Банк ўзи жойлаштирган қимматли қоғозлар айирбошланиши мумкин бўлган акциялар берадиган ҳуқуқларни чеклаш ҳақида ушбу қимматли қоғозлар эгаларининг розилигисиз қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

8.12. Банк акциядорларга ёки бошқа манфаатдор шахсларга танишиш ва фойдаланиш учун қулайлик яратиш мақсадида, банк уставини электрон кўринишда ўзининг расмий сайтига жойлаштиради.

8.13. Банк акциядорларининг мажбуриятлари:

- қонун ҳужжатларида, банк уставида, ҳамда акцияларни жойлаштириш қарорида белгиланган тартиб ва муддатда сотиб олаётган акциялар нархини тўлашлари;
- банкнинг конфиденциал маълумотларини ошкор қилмаслик.
- мазкур Устава назарда тутилган чегараларда, Банк бошқарув органларининг қарорларига бўйсунушга;
- устава ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўладилар.

IX. БАНК ДАРОМАДИ (ФОЙДАСИ)НИ ТАҚСИМЛАШ, ДИВИДЕНДЛАРНИ ҲИСОБЛАШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

9.1. Банк фаолияти молиявий натижаларининг асосий умумлаштирувчи кўрсаткичи фойда (соф фойда) ҳисобланади.

9.2. Банк соф фойдаси унинг барча фаолият турларидан олинган даромаддан барча харажатларни, чиқимларни, зарарларни, солиқларни ва бошқа ажратмаларни чиқариб ташлаган ҳолда шаклланади.

9.3. Дивидендлар Банкнинг ўз тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар Банкнинг бунинг учун махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан ҳам тўланиши мумкин.

- 9.4. Банк акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.
- 9.5. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Банкнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.
- 9.6. Банкнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.
- 9.7. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.
- 9.8. Банк молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.
- 9.9. Банкнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.
- 9.10. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Банк кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.
- 9.11. Дивидендларнинг миқдори Банк кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек мазкур Уставда дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.
- 9.12. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.
- 9.13. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтимиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.
- 9.14. Банкнинг имтиёзли акциялари бўйича, агар Банкда тўлаш учун манба (соф фойда, тақсимланмаган фойда) ва/ёки захира фондида етарли маблағлар мавжуд бўлса, имтиёзли акцияларга пул кўринишида дивиденд тўланади. Ушбу тўланадиган дивиденд миқдори акция номинал қийматининг 25 (йигирма беш) фоизи миқдорида белгиланади. Имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг миқдори Банк Акциядорлари умумий йиғилишининг қарорига асосан ушбу Уставда белгиланган миқдордан кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.
- 9.15. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар миқдори қарор қабул қилиш вақтида амалда бўлган акция номинал қийматидан келиб чиқиб ҳисобланади.
Бир йилда тўланган жами дивидендлар миқдори йил давомида тўланган оралик дивидендлар ва йил якунлари бўйича тўланган дивидендлар миқдорига тенг бўлади.
- 9.16. Дивидендлар тўлаш вақтида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича қатъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда Банк мазкур акцияларни сақловчиларга дивидендлар тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Банк рад этган тақдирда акциядорлар дивидендлар тўлашни суд орқали талаб қилишлари мумкин. Банк етарли миқдорда фойдага эга бўлмаса ёки зарар кўриб ишлаган бўлса, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар ана шу мақсад учун ташкил этилган Банк захира фонди ҳисобидан ва ана шу фонд доирасидагина тўланиши мумкин.
- 9.17. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра Банк ихтиёрида қолади.

9.18. Банк Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошладиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобварағига ўтказиб бериши шарт.

9.19. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Банк акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

9.20. Банк куйидаги ҳолларда акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас:

- агар дивидендлар тўланадиган пайтда Банкда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

- агар Банк соф активларининг қиймати унинг устав капитали ва захира фонди суммасидан кам бўлса,

- Банкка нисбатан Марказий банкнинг дивидендлар тўлашни тўхтатиш тўғрисида талаби мавжуд бўлса.

9.21. Ушбу Уставнинг 9.20. бандида кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилгач, Банк ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

Банк дивидендлар миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади.

Х. БАНКНИНГ МОЛИЯВИЙ МАНБАЛАРИ ВА СОФ АКТИВЛАРИ

10.1. Банкнинг ўз маблағлари қўйидагилардан ташкил этилади:

- устав капитали;

- қўшилган капитал;

- захира Фондлари;

- тақсимланмаган фойда;

- қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа маблағлар.

10.2. Банкнинг захира фонди банк олган соф фойдасидан қилинадиган мажбурий ажратмалар ҳисобидан шакллантирилади.

10.3. Банкнинг захира фонди банк устав капиталининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдоридан шакллантирилади. Банкнинг захира фонди банк уставидан белгиланган миқдорга етгунигача қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори соф фойданинг 5 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

10.4. Банкнинг захира фонди банк уставидан белгиланган миқдордан ошган ҳолларда ҳам захира фонди миқдорини янада ошириб бориш мумкин. Бунда, соф фойдадан ажратманинг миқдори Банк кенгаши тавсияси ва акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан белгиланади.

10.5. Қайта баҳоланган асосий воситаларга йил давомида эскириш ҳисоблашдан ва уларни ҳисобдан чиқарганда қайта баҳолаш миқдорининг ижобий натижаси Банкнинг тақсимланмаган фойда ҳисобварағида тўпланиб бориши натижасида ҳосил бўлган маблағ (фойда) миқдори банк фаолиятида зарур бўладиган мулкларни янгилаш ва моддий техник базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ амалиётларнинг молиявий манбаи сифатида йил якунида Банкнинг умумий захира фондига йўналтирилади.

10.6. Банкнинг захира фонди бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, банкнинг зарарлари ўрнини қоплаш, банк облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва банк акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

10.7. Банк қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа фондларни ташкил этиши мумкин.

10.8. Банк соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича, банк активлари ва мажбуриятларининг умумий суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

10.9. Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин банк акциядорларининг умумий йиғилиши тасдиқлаш учун тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижаларига мувофиқ банк соф

активларининг қиймати унинг устав капиталидан оз бўлиб чиқса, банк ўз устав капиталини соф активлари қийматидан ошиб кетмайдиган миқдоргача камайтириш шарт.

10.10. Банкнинг молиявий манбаалари қуйидагилардан ташкил топади:

- банкнинг ўз маблағлари;
- банк ҳисобварақларидаги жисмоний ва юридик шахслар маблағлари;
- бошқа банкларнинг кредит ва депозитлари;
- давлат ва нодавлат фондлардан жалб қилинган маблағлар;
- банк чиқарган облигация ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштиришдан тушган маблағлар;
- келишув ва шартномалар асосида жалб этилган бошқа давлатлар банклари ва ташкилотлар маблағлари;
- бошқа жалб қилинган маблағлар.

10.11. Банк қонун ҳужжатларига ва ўз уставига мувофиқ корпоратив облигацияларни ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақлидир.

10.12. Банкнинг корпоратив облигациялари банк акцияларига айирбошланадиган қимматли қоғозлар бўлиши мумкин.

10.13. Банк томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра ёки Банк кузатув кенгашининг қарорига кўра амалга оширилади.

10.14. Банк томонидан Банк кузатув кенгашининг қарорига кўра акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқарилган тақдирда, мазкур қарор Банк кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак.

10.15. Банкнинг барча молиявий манбаларидан кредит ресурслари сифатида фойдаланилиши мумкин.

XI. БАНКНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

11.1. Банк бошқарув органлари қуйидагилардан иборат:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- Банк кузатув кенгаши (Банк кенгаши);
- Банк бошқаруви.

Банк акциядорларининг умумий йиғилиши

11.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Банкнинг юқори бошқарув органидир.

11.3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши у томонидан тасдиқланган “Ипотека-банк” АТИБ акциядорлари умумий йиғилиши тўғрисидаги Низомга асосан фаолият кўрсатади.

11.4. Банк акциядорларининг йиллик (навбатдаги) умумий йиғилиши ҳар йили молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

11.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Банк кенгаши раиси, у узрли сабабларга кўра йўқ бўлган тақдирда эса, Банк кенгаши аъзоларидан бири олиб боради.

11.6. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Банкнинг кенгашини ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, Банк бошқаруви раиси билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек Банкнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

11.7. Акциядорларнинг йиллик (навбатдаги) умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилиш ҳисобланади.

11.8. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана ва уни ўтказиш тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материаллар (ахборотлар) рўйхатини Банк кенгаши белгилайди.

11.9. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради:

- Банк уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ёки Банкнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
 - Банкни қайта ташкил этиш;
 - Банкни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссияси) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
 - Банк кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
 - эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
 - Банкнинг устав капиталини кўпайтириш;
 - Банкнинг устав капиталини камайтириш;
 - қонунчиликда белгиланган тартибда ўз акцияларини олиш;
 - Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
 - Банк тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш;
 - Банкнинг йиллик ҳисоботини, йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
 - Банкнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
 - Банк кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларига мукофот ва компенсация миқдорларини белгилаш;
 - Банк кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Банкни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Банк кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;
 - Банк томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - банкнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - Акциядорлар умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш;
 - акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
 - Банк бошқарувига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;
 - баланс қиймати ёки сотиб олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада банк соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш ва афилланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш;
 - амалдаги қонунчилик ва мазкур Уставда кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.
- 11.10. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Банк бошқаруви ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.
- 11.11. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Банк кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, қуйидаги масалалар бундан мустасно:
- Банкнинг устав капиталини кўпайтириш, шунингдек Банк уставига Банкнинг устав капиталини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
 - акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
 - Банк томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Банкнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Банкнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- Банкнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;

- қонунчиликка мувофиқ банкнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.

11.12. Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан куйидаги масалалар бўйича қарор йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади:

- Банк уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ёки Банкнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш;

- Банкни қайта ташкил этиш;

- Банкни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссияси) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- Банк кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Банкни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Банк кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

- йирик битим тузиш масаласи бўйича Банк кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор;

- баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Банк соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарорлар қабул қилиш.

11.13. Овозга қўйилган масала бўйича Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, агар ушбу Устав ва қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, йиғилишда иштирок этаётган Банк овоз берувчи акциялари эгаси бўлмиш акциядорларнинг кўпчилик овози (оддий кўпчилик) билан қабул қилинади.

11.14. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.

11.15. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур Уставда назарда тутилган тартиб ва муддатларда, бироқ бу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

11.16. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган банк акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

Банк акциядорнинг талабига кўра акциядорга у акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган банк акциядорларининг реестрига киритилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.

11.17. Банк акциядорларининг шакллантирилган реестрига ўзгартиришлар мазкур реестр тузилган санада унга киритилмай қолган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган ёки реестрни тузишда йўл қўйилган хатолар тузатилган тақдирдагина қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда киритилиши мумкин.

11.18. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида етти кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Банкнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

11.19. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилатганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) Банкнинг йиллик ҳисоботи, Банкнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан

Банк тафтиш комиссиясининг ва аудиторлик ташкilotининг хулосаси, Банк кенгашининг Банк бошқаруви раиси билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хулосаси, шунингдек Банкнинг кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Банкнинг уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки Банкнинг янги тахрирдаги устави лойиҳаси киради.

11.20. Банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар Банкнинг молия йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Банк кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

11.21. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабабларини, масалани таклиф этаётган акциядорларнинг номини, унга тегишли акцияларнинг сони ва турини кўрсатган ҳолда ёзма равишда киритилади.

11.22. Банк кенгаши ва тафтиш комиссиясига номзодлар кўрсатиш, шу жумладан ўзининг номзодини кўрсатиш тўғрисида таклиф киритилганда номзоднинг исми, башарти номзод Банк акциядори бўлса, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури, шунингдек номзодни кўрсатган акциядорларнинг исми, уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

11.23. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриляётганда Банк кенгаши, ушбу Уставнинг 11.25. бандида назарда тутилган ҳолларда эса умумий йиғилишни чақирувчи шахслар қуйидагиларни белгилайди:

умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;

умумий йиғилишнинг кун тартибини;

умумий йиғилиш ўтказиш учун Банк акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;

умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш тартибини;

умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриляётганда акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;

овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини.

Аниқ масала қўйилишини ақс эттирмайдиган таърифларнинг (шу жумладан, "турли масалалар", "бошқа масалалар", "ўзга масалалар" ва ҳоказоларнинг) акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилишига йўл қўйилмайди.

11.24. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

11.25. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Банк кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, тафтиш комиссиясининг ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада Банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

11.26. Банк тафтиш комиссиясининг ёки Банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорларнинг ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириб акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Банкнинг кенгаши томонидан амалга оширилади.

11.27. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган бўлиши керак.

11.28. Банк кенгаши Банк тафтиш комиссиясининг ёки Банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чақириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидидаги масалаларнинг таърифига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

11.29. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириб тўғрисидаги талаб акциядорлардан чиққан тақдирда, бу талабда умумий йиғилишни чақириб талаб

қилаётган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган бўлиши лозим.

11.30. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

11.31. Банкнинг тафтиш комиссияси ёки Банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорлар акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан ўн кун ичида Банк кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

11.32. Банк тафтиш комиссиясининг ёки Банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорларнинг талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарор куйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) Банк овоз берувчи акцияларини камида беш фоизининг эгаси бўлмаса;

кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан бирортаси ҳам Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кирмаса;

кун тартибига киритиш учун таклиф қонун ёки мазкур Устав талабларига мувофиқ бўлмаса.

11.33. Банк кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақидаги асослантирилган қарори йиғилиш чақиришни талаб қилган шахсларга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

11.34. Банк кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

11.35. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этувчиларни рўйхатга олиш тамом бўлган пайтга келиб, Банкнинг тарқатилган ва жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоиздан кўпига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворум тўплаган) ҳисобланади.

11.36. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг янги умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг янги умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибига ўзгартишлар киритишга йўл қўйилмайди.

11.37. Ўтказилмай қолган йиғилиш ўрнига акциядорларнинг янги чақирилган умумий йиғилишида иштирок этувчиларни рўйхатга олиш тугаган пайтга келиб, Банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоиздан кам бўлмаган овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатга олинган бўлса, бу умумий йиғилиш ваколатли ҳисобланади.

11.38. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун Банк кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

11.39. Акциядорларнинг умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқи шахсан акциядор томонидан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади.

11.40. Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

11.41. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма ишончнома асосида иш кўради. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахслар тўғрисидаги маълумотлар (исми ёки номи, турар жойи ёки жойлашган манзили, паспорт маълумотлари) ва ваколат доираси акс эттирилган бўлиши лозим. Жисмоний шахс

номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан бериладиган овоз беришга доир ишончнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилади.

11.42. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси 20 кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

11.43. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади. Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни Банк кенгаши томонидан тасдиқланади. Овоз бериш бюллетени умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорга (унинг вакилига) берилади.

11.44. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси Акциядорлар умумий йиғилиши ёпилганидан кейин 10 кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

Банк кенгаши

11.45. Банк кенгаши Банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кирадиган масалалар бундан мустасно.

11.46. Банк кенгаши Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомга мувофиқ фаолият кўрсатади.

11.47. Банк кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- Банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш, стратегиясини шакллантириш;
- Банк акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, ушбу Уставнинг 11.25. бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;
- Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Банк акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- Банк уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Банкнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масаласини акциядорларнинг умумий йиғилишига киритиш;
- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- Банк бошқаруви аъзоларини (раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- Корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;
- Банкнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
- Банкнинг ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- Банкнинг ижроия органи фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатдан эркин фойдаланиш ва ижроия органидан Банк кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни олиш. Олинган ҳужжатлардан Банк кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин;
- аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;
- Банкнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- Банкнинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- Банкнинг филиалларини ҳамда ваколатхоналарини ташкил этиш, очиш ва тугатиш;
- Банкнинг шўъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;

- Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада банк соф активлари миқдорининг ўн беш фоиздан эллик фоизгачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

- қонунда белгиланган ҳолларда Банкнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш;

- Банкнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

- Банкнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Банкнинг устав капиталини (акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акция чиқариш йўли орқали) кўпайтириш масалаларини, шунингдек банк уставига Банкнинг устав капиталини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

- Банк томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг майдончаларида юзага келаётган нархлар конъюктурасидан келиб чиққан ҳолда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

- Банк бошқарувига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;

- Банк бошқаруви раисини ишга ёллаш тўғрисида Банк номидан меҳнат шартномаси тузиш;

- Банк бошқаруви фаолиятининг тартибини белгилаб берувчи ҳужжатларни тасдиқлаш;

- қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш;

- Банк кенгашининг ваколат доирасига қонун ҳужжатлари ва ушбу Уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

11.48. Банк кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Банк бошқарувига ўтказилиши мумкин эмас.

11.49. Банк кенгашининг миқдор таркиби 9 та аъзолардан иборат бўлиши лозим. Банк кенгаши таркибига Банкнинг ривожланишига имконият яратувчи иқтисод, молия, кредит соҳасидаги тажриба, билимга эга бўлган шахслар киритилиши лозим. Банк кенгаши аъзолари акциядорлардан ташқари олимлар ва банк соҳаси мутахассислари бўлиши мумкин. Банк кенгаши таркибига миноритар акциядорлар манфаатини ифода этувчи аъзо киритилиши мажбурийдир. Ушбу аъзо Банк кенгаши таркибига Банк кенгаши тавсияси (таклифи) асосида акциядорларнинг умумий йиғилишига сайланишга киритиш ва амалдаги қонунчилик талаблари асосида сайланиш орқали киритилади. Банкнинг миноритар акциядорлари манфаатларини ифода этувчи аъзо банкнинг йирик акциядорлари вакили бўлмаслиги, аксинча корпоратив бошқарув тамойиллари ва қимматли қоғозлар бозори қонунчилигини яхши биладиган, мустақил аъзо бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

11.50. Банк кенгаши таркибига сайланган шахсларнинг қайта сайланишлари чекланмайди.

11.51. Банк бошқаруви аъзолари Банк кенгашига сайланишлари, тайинланишлари мумкин эмас.

11.52. Банкда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Банк кенгашининг аъзолари бўлиши мумкин эмас.

11.53. Банк кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар Акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланган “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомда белгилаб қўйилади.

11.54. Банк кенгашининг раиси Банк кенгаши аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан Банк кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади.

11.55. Банкнинг кенгаши, ўз раисини Банк кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

11.56. Банк кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Банк кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади ва акциядорлар умумий йиғилишларида раислик қилади.

11.57. Банк кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини Банк кенгаши аъзоларидан бири бажариб туради.

11.58. Банк кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Банк кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари Банк кенгаши раисининг ташаббуси билан ёки қуйидагилар талабига кўра чақирилади:

- Банк кенгаши аъзосининг;
- Марказий банкнинг;
- Тафтиш комиссиясининг;
- Банк бошқарувининг;
- амалдаги қонунчиликда ва мазкур Уставда кўрсатилган бошқа ҳолларда.

11.59. Банк кенгаши қарори (қонунчиликда бошқача тартиб кўзда тутилмаган бўлса) кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган ҳолда Банк кенгаши раиси овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Банк кенгаши қарори унинг мажлисида Банк кенгашининг камида 3/4 аъзоси иштирок этганда ҳақиқий ҳисобланади.

Банк бошқаруви

11.60. Банкнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик коллегиял ижроия орган – Банк бошқаруви томонидан амалга оширилади. Банк бошқаруви фаолиятига Банк бошқаруви раиси раҳбарлик қилади.

11.61. Банк бошқаруви Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Ипотека-банк” АТИБ бошқаруви тўғрисидаги Низомга мувофиқ фаолият кўрсатади.

11.62. Банк Бошқаруви таркиби Банк кенгаши томонидан белгиланади. Банк бошқаруви аъзолари сони 7 киши қилиб белгиланади. Банк бошқаруви таркибига Банк бошқаруви раиси, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер, юридик хизмати раҳбари киритилиши лозим. Шунингдек, бошқа асосий бўлинмалар (департамент, бошқарма) бошлиқлари киритилиши мумкин.

11.63. Банк бошқаруви ваколати доирасига қуйидагилар киради:

- банкнинг кундалик фаолиятини ташкил қилади ва раҳбарликни амалга оширади, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк кенгаши қарорларининг бажарилишини таъминлайди;

- Акциядорлар умумий йиғилиши ёки Банк кенгаши кўриб чиқиши лозим бўлган барча масалаларни олдиндан кўриб чиқади ва улар бўйича тегишли материаллар, таклифлар ва қарор лойиҳаларини тайёрлайди;

- банк хизматининг янги турларини ишлаб чиқади ва жорий қилади;

- банкда амалдаги қонунчиликка риоя қилинишини таъминлайди;

- банк операцияларини ўтказиш, ички назоратнинг ҳисоботи, банклараро шартномалар тузилишини ва Банк фаолиятининг бошқа асосий масалаларини ҳал қилади;

- Банк кенгаши томонидан тасдиқланган ички сиёсатлар асосида актив ва пасив операциялар бўйича фоиз ставкаларини тезкор тартибга солади;

- Банк фаолиятини таъминлаш мақсадида доимий ишловчи қўмиталар, комиссиялар ва бошқа ишчи гуруҳларни ташкил этиш, уларнинг ваколатларини белгилаб бериш (Банк бошқаруви раисининг буйруғи еки фармойишига мувофиқ ташкил этиладиган вақтинчалик еки алоҳида масалалар бўйича ташкил этиладиган комиссия еки ишчи гуруҳ бундан мустасно);

- Банкнинг ташкилий тузилмаси доирасида штатларни жорий қилиш (ёки бекор қилиш), янги бўлимлар очиш (ёки тугатиш) юзасидан қарорлар қабул қилади;

- Банк тизимида мини-банк ташкил қилиш (ёки тугатиш) тўғрисида қарор қабул қилади;

- кадрларни танлаш, жой-жойига кўйиш, тайёрлаш ва фойдаланиш масалаларини ҳал қилади;
 - банк мажбуриятларини бажарилишини таъминлайди, пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг юритилишини амалга оширади;
 - ўз ваколати доирасида таркибий тузилмалар ҳақида низомни ва Банкнинг фаолиятини тартибга солувчи ички меъёрий ҳужжатларни қабул қилади;
 - қонун ҳужжатлари ва ушбу Устав билан Акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк кенгаши ваколатига киритилган масалалардан ташқари банкнинг жорий фаолиятини тартибга солувчи барча масалаларни ҳал этади.
- 11.64. Банк бошқарувининг ташкилий тузилмаси “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви тўғрисидаги Низомга мувофиқ белгиланади.
- 11.65. Банк бошқаруви Банкнинг ижро этувчи органи ҳисобланиб, унинг жорий фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Банк устави, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.
- 11.66. Банк бошқаруви Акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк кенгашига ҳисобот беради.
- 11.67. Банк бошқарувираиси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тегишли комиссияси ижобий ҳулосаси асосида Акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланади. Банк бошқаруви аъзолари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тегишли комиссияси ижобий ҳулосаси асосида Банк кенгаши томонидан сайланади.
- 11.68. Банк бошқаруви раиси ва аъзолари билан меҳнат шартномаси Банк номидан Банк кенгаши раиси ёки Банк кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади.
- 11.69. Мазкур Уставга ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ банк ходимлари билан меҳнат шартномасини Банк бошқаруви раиси, банк филиаллари ходимлари билан Банк филиалларининг раҳбарлари тузадилар.
- 11.70. Банк бошқарувининг мажлиси зарур ҳолларда, бироқ бир ойда камида бир марта ўтказилади. Банк бошқаруви томонидан Кенгаш ёки акциядорларнинг Умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритилган масалалар мажбурий тартибда Банк бошқаруви мажлисида олдиндан муҳокама этилади. Банк бошқарувининг фикри ҳақида Банк кенгашида ва акциядорларнинг умумий йиғилишида Банк бошқаруви раиси ёки у томонидан ваколат берилган Банк бошқаруви аъзоси ахборот беради ва ҳимоя қилади.
- 11.71. Банк бошқаруви, унинг мажлисида камида 2/3 Бошқарув аъзолари иштирок этгандагина, кўриб чиқишга киритилган масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқига эга.
- 11.72. Банк бошқаруви мажлисида қарорлар мажлисда қатнашаётган Бошқарув аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда Банк бошқаруви раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.
- 11.73. Банк бошқаруви мажлисида қатнашмаган Банк бошқаруви аъзолари биринчи имкониятдаёқ ёки кейинги Банк бошқаруви мажлисида ушбу Банк бошқаруви аъзоси иштирокисиз қабул қилинган қарор билан таништирилиши лозим. Бунда ушбу Банк бошқаруви аъзоси бошқарув қарори бўйича ўз фикрини маълум қилиши мумкин.
- 11.74. Банк бошқаруви мажлисида баённома юритилади. Банк бошқаруви мажлисининг баённомаси Банк кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларига, аудиторга уларнинг талабига кўра берилади.
- 11.75. Банк бошқаруви раисининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:
- устав ва Банк кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Банкнинг ишига раҳбарлик қилиш;
 - Банк кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;
 - Банк номидан ишончномасиз иш юритади, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилади;
 - Банк мижозлари билан шартномалар ва контрактлар тузади;
 - Банк тизимида жамғарма ва коммунал кассалар ташкил қилиш (ёки тугатиш) тўғрисида буйруқ чиқаради;

- штатларни белгилайди, банк Марказий аппарати ходимларини ва филиаллар бошқарувчиларини ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади, ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллайди, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб турилишини таъминлайди;
- Банк номидан Банк филиаллари раҳбарлари билан меҳнат шартномаларини тузади;
- Банк фаолиятининг оперативлигини таъминлаш мақсадида вазифаларнинг бажарилишини Банк бошқаруви аъзолари ўртасида тақсимлайди;
- Банк номидан амалдаги қонунчиликка асосан айрим ходимларга банк вакили сифатида қатнашиш учун ишончномалар беради;
- Банк филиаллари бошқарувчиларига амалдаги қонунчилик ва Банк филиали Низомига мувофиқ Банк номидан банк операцияларини амалга ошириш, шунингдек хўжалик шартномаларини тузиш ва филиал фаолиятини таъминлаш учун Бош ёки махсус ишончномаларни беради;
- Банкнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;
- ўз ваколати доирасида Банк бошқарувининг қарорлари билан тасдиқланган банкнинг ички меъёрий ҳужжатларини имзолайди;
- Банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари ва таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомларни имзолайди, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлайди;
- ўз ваколатлари доирасида Банкнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилади (Акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк кенгашининг ваколатига киритилган масалалардан ташқари);
- Акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этади;
- Банкнинг таркибий бўлинмаларининг ва филиалларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлайди;
- Банк кенгаши томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлайди;
- Банкни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилади, уларни ташкил этади ва бажарилишини назорат қилади;
- Банкнинг фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлайди;
- амалдаги қонунчиликка мувофиқ, Банкда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, тегишли расмийлаштирилганлиги ва ишончлилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Банк фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлайди;
- Банкнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Банк кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки Банк аудитори талабига кўра тақдим этади;
- давлат статистика ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;
- Банк сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш, бундай ахборотни учинчи шахсларга беришнинг қонунийлигини таъминлаш. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати Банк бошқаруви томонидан белгиланади;
- хизмат, тижорат ва Банк сирини ташкил этувчи ахборотнинг Банк ходимлари томонидан сақланишини таъминлайди;
- Банкни малакали кадрлар билан таъминлайди, Банк ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўради;
- Банк ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилинишини таъминлайди;
- ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни Акциядорларнинг умумий йиғилишига ва Банк кенгашига белгиланган муддатда тақдим этади;
- Банк Акциядорларининг умумий йиғилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминлайди;

- Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчиликка ва бошқа қонун ости ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки меъёрий ҳужжатларига ҳамда Банк ички ҳужжатларига риоя қилади.

11.76. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари Банк бошқарувида ўриндошлик асосида ишлашга ҳақли эмаслар.

11.77. Банк бошқаруви раиси ва аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Банк манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

11.78. Банк бошқаруви раиси ва аъзолари ўзларининг лавозим мажбуриятларини ҳалол, шунингдек Банк манфаатлари йўлида амалга оширишга мажбурдирлар.

11.79. Банк бошқаруви раиси ва аъзолари қонун ҳужжатларига ва ушбу Уставга мувофиқ Банк ва акциядорлар олдида жавобгардирлар.

XII. БАНКНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Тафтиш комиссияси

12.1. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун Акциядорларнинг умумий йиғилиши 3 (уч) кишидан иборат тафтиш комиссиясини бир йил муддатга сайлайди.

12.2. Банк тафтиш комиссиясининг ваколатлари амалдаги қонунчилик ва мазкур Устави билан белгиланади.

12.3. Банк тафтиш комиссияси фаолиятининг тартиби Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган “Ипотека-банк” АТИБ Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомда белгилаб кўйилади.

12.4. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, Акциядорлар умумий йиғилишининг, Банк кенгашининг ташаббусига кўра ёки Банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Банк кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

12.5. Банк тафтиш комиссиясининг талабига биноан Банкнинг мансабдор шахслари молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этишлари шарт.

12.6. Банк тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Банк кенгашининг аъзоси бўлишлари, шунингдек Банк бошқарувида бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас.

12.7. Банк тафтишчисига ёки тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс айти бир банкнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

12.8. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тафтиш комиссияси ҳулоса тайёрлайди.

12.9. Тафтиш комиссияси Акциядорлар умумий йиғилишига ёки Банк кенгашига ўтказилган тафтиш тўғрисидаги ҳисоботни, зарур ҳолларда камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсияномалар билан, шунингдек тасдиқлашга тақдим этилган йиллик баланс ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг Банкдаги ишларнинг ҳақиқий аҳволига мувофиқлиги ҳақидаги ҳулосани, уларни тасдиқлаш бўйича тавсияномалар билан бирга тақдим этади.

Ички аудит хизмати

12.10. Банк Ички аудит хизматини ташкил этади. Ички аудит хизмати Банк кенгашига ҳисобдордир.

12.11. Банкнинг ички аудит хизмати Банкнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, Банк уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда

ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Банкни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Банкнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

Аудиторлик ташкилоти

12.12. Аудиторлик ташкилоти Банк билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Банк молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

12.13. Аудиторлик ташкилоти Банкнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун Банк олдида жавобгар бўлади.

ХIII. БАНКНИНГ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ, ЙИЛЛИК ҲИСОБОТЛАРНИ ТУЗИШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ

13.1. Банк қонун ҳужжатлари ва Марказий банк томонидан белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

13.2. Банкда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек Банкнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган Банк фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик Банк бошқарувининг зиммасида бўлади.

13.3. Банкнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкӣ манфаатлари Банк ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

13.4. Банкнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўттиз кундан кечиктирмай Банкнинг кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

13.5. Банкнинг молиявий ҳисоботлари Марказий банк белгиладиган шакл ва муддатларда, унда кўрсатилган маълумотнинг тўғрилиги ташқи аудитор томонидан тасдиқлангач, матбуотда эълон қилинади.

13.6. Банкнинг молия йили 1 январдан бошланади ва 31 декабрда тугайди.

XIV. БАНК ФИЛИАЛЛАРИ, УЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

14.1. Филиал банкнинг у жойлашган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки уларнинг бир қисмини, шу жумладан ваколатхонанинг вазифаларини амалга оширадиган алоҳида бўлинмасидир.

14.2. Банк ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиаллар ташкил этиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва филиалнинг тегишли Низомида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.

14.3. Банк Марказий банкнинг рухсати билан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Банк уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.

14.4. Банк филиали Банк томонидан мол-мулк билан таъминланади. Филиал номи банк номига тўлиқ мос келиши керак.

14.5. Банкнинг филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс ҳисобланмайди. Филиал ўз фаолиятини Банк кенгаши тасдиқлаган филиал тўғрисидаги низом ва Банк томонидан берилган ишончнома доирасида Банкка берилган лицензия асосида амалга оширади.

14.6. Банк филиаллари қонун ҳужжатларига мувофиқ Банк кенгаши қарорига биноан ташкил этилади ва тугатилади ҳамда Марказий банкда рўйхатга олинади ва рўйхатдан чиқарилади.

14.7. Банк филиаллари раҳбарлари Банк бошқаруви томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки касбга мувофиқликни аниқлаш комиссияси ижобий хулосаси асосида тайинланади. Банк бошқаруви раиси Банк филиаллари раҳбарлари билан Банк номидан меҳнат шартномасини тузади.

14.8. Банкнинг филиаллари Банк уставида белгиланган барча турдаги банк операцияларини ўз низомлари доирасида амалга оширадilar ва пуллик хизматларни кўрсатадилар.

XV. БАНКНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

15.1. Банкни қайта ташкил этиш Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида амалга оширилади.

15.2. Банкни қайта ташкил этиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 49-56 моддалари, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 92-101 моддалари, шунингдек Марказий банк томонидан тасдиқланган тегишли Низомларга мувофиқ амалга оширилади.

15.3. Банкни қайта ташкил этиш Банк акциядорлари умумий йиғилишининг қарорига кўра қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва қайта тузиш шаклларида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдан рухсатнома олган ҳолда амалга оширилади.

15.4. Банк Марказий банкнинг талабига кўра ҳам қайта ташкил этилиши мумкин.

XVI. МИЖОЗЛАРНИНГ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

16.1. Хизмат хусусиятига кўра, Банк маълумотларидан хабардор бўлган шахслар мижозларнинг операциялари, ҳисобварақлари ва омонатларига доир маълумотларнинг ошкор этилиши учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

16.2. Банк ўз мижозлари ҳамда вакилларининг операциялари, ҳисобварақлари ва омонатларига доир маълумотлар сир сақланишини кафолатлайди. Банкнинг барча ходимлари ва акциядорлари Банк, унинг мижозлари ҳамда вакилларининг операциялари, ҳисобварақлари ва омонатларига доир маълумотларни сир сақлашлари шарт. Мижозларнинг Банкда сақланган пул маблағлари ва бошқа мулкига, шу жумладан фуқароларнинг омонатларига нисбатан фақат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган асослар бўйича ва тартибда хатлаш ҳамда ундириб олиш чоралари қўлланилиши мумкин.

16.3. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисобварақларига доир операциялар тўғрисидаги маълумотлар қуйидагиларга, ҳисобварақ эгалари, уларнинг қонуний вакиллари ва меросхўрларига, прокурор, суд, суриштирув органлари, солиқ, тергов ва бошқа ваколатли органларга қонунчиликда белгиланган тартибда берилади.

16.4. Банк унга қонун ҳужжатлари талабларига риоя этган ҳолда сақлаш учун берилган, омонатларга қўйилган ва бошқа операциялар бўйича пул ва бошқа маблағлар, қимматликларни, ҳамда мулкнинг бут сақланишини кафолатлайди.

16.5. Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган меъёрларга мувофиқ ўз баланс тузилмасини тартибга солиш йўли билан зиммасидаги мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ бажариш учун доимий тайёр ҳолатда бўлади.

16.6. Банк жалб қилинган пул маблағларининг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган меъёрий ажратмаларига мувофиқ, мажбурий захиралар фондига депонентлайди.

XVII. УСТАВГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ


17.1. Банк акциядорларининг умумий йиғилиши ва ўз ваколатлари доирасида Банк кенгаши томонидан Банк уставига киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

17.2. Банк уставига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар ёки Банкнинг янги тахрирдаги устави учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, амалдаги Қонунчиликда белгиланган ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хабардор этилган пайтдан эътиборан кучга киради.

17.3. Агар, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларида мазкур Уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари қоидалари қўлланилади.

17.4. Банкнинг ушбу Устави давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг, ушбу Устав қабул қилингунга қадар амалда бўлган Банк устави, ҳамда унга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

“Ипотека-банк” АТИБ
Бошқаруви Раиси



О. Мусаев